ҲОМИЛАДОР ВА ТУҒУВЧИ АЁЛЛАРГА ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШДАГИ НУҚСОНЛАР

Бобомуродова Дилбар Бобомуродовна
Усмонова Ойша Кахрамон кизи Самарқанд давлат тиббиёт университети Педиатрия факультети 202-гуруҳ талабаси

Долзарблиги. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш замонавий тиббиёт фанлари ва амалиётининг энг муҳим ва жиддий муаммоси бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз миқёсида тиббий ёрдам хизматини тубдан яхшилаш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар ва бу борада кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги сезиларли даражада ошмоқда. Шунга қарамасдан айрим ҳолатларда тиббий ёрдам кўрсатишдаги йўл қўйилаётган нуқсонлар оқибатида беморлар соғлиғига зарар етказлиши ҳолатлари ҳам қайд қилинмоқда. Тиббийг хомиладор ва туғувчи аёлларга нисбатан нотўғри (ноўринли) харакатларидан (ёки ҳаракатсизлигидан), беморда у ёки бу кўринишдаги салбий оқибатлар келиб чиқиши кузатилмоқда [2].

Ишнинг мақсади: Комиссион суд тиббий экспертизалар тахлили асосида хомиладор ва туғувчи аёлларга

тиббий ёрдам кўрсатишдаги йўл қўйилган нуқсонлар мохияти, сабаблари ва оқибатларини ўрганиш.

Тадқиқот материалари ва услублари. Қайд этилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда 2015-2020- йиллар

мобайнида РСТЭИАМ Самарқанд филиалида бажарилган комиссион экспертиза хулосалари ўрганилди ва таҳлил

қилинди. Мазкур ҳолатларга доир иш материаллари, тиббий хужжатлар маълумотлари, қўшимча-лабораторик

текширишлар натижалари, ўлим ҳолларида – марҳумлар жасадлари суд-тиббий экспертиза хулосалари, суд-гистологик,

суд-химик текширишлар натижалари ретроспектив таҳлилдан ўтказилди. Барча ҳолатларда комиссион суд-тиббий экс-

пертиза (СТЭ) ларга жалб қилинган малакали врач-мутахассислар хулосалари инобатга олинди. Ушбу маълумотлар

асосида ТЁН моҳияти сабаблари ва оқибатлари аниқланди.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Ўрганилаётган сўнгги йилларда (2015-2020 йй.) филиал миқёсида жами

390 та комиссион ва комплекс СТЭлар бажарилган. Барча ҳолатларда СТЭлар суриштирув, тергов органлари қарорлари

асосида, тегишлилиги бўйича Вилоят марказидаги нуфузли тиббий-муассасалар ва Самарқанд Давлат тиббиёт

институтини юқори малакали (доцент, профессорлар) мутахассислари жалб қилинган ҳолда амалдаги норматив

ҳужжатлар талабларга риоя этилган ҳолда бажарилган. Комиссион СТЭ ижросини таъминлаш учун суруштрув-тергов

органлари томонидан зарур бўлган хужжатлар тўлақонли даражада тақдим этилган.

ТЁНлари тиббий ёрдамнинг госпитал олди ва госпитал даврларида ҳам содир этилиши мумкин ва унинг

қуйидаги турлари фарқланади: диагностик нуқсонлар – беморга тиббий ёрдам кўрсатишнинг ҳар бир этапларида

мавжуд патологияни (шикастни) ўз вақтида ва тўлиқ аниқлай олмаслик; даволаш нуқсонлари –зарур бўлган тиббий

ёрдамни нотўғри, ёки нотўлиқ ташкил этиш ва амалга ошириши. Бу ҳолат одатда диагностик нуқсон оқибати билан

боғлиқ бўлади; профилактик нуқсонлар – тиббий ёрдам кўрсатиш ва уни ташкиллаштириш жараёнида санитария

қоидалари ва гигиеник меъёрларга амал қилмаслик, шунингдек зарурий иммуно-профилактик ишларини

ташкиллаштириш ва ўтказиш талабларини бузиш; ташкилий нуқсонлар – соҳага тегишли буйруқлар, бошқа норматив

ҳужжатлар ва йўриқномаларда белгиланган талабларга, тиббий ёрдам кўрсатишнинг норма ва тартибларини, шунингдек

тиббий муассасаларда ўрнатилган қоидаларни бузиш назарда тутилади. Шу билан биргаликда, айрим ҳолларда тиббий

ҳужжатларни юритиш ва этик-деонтологик қоидаларни бузишга доир нуқсонлар ҳам учрайди [Пашинян А.Г., Беляева

Е.В., Ромодановский П.О., 2000; Томилин В.В., Соседко Ю.И., 2000].

Комиссион СТЭ лар натижалари бўйича хомиладор ва туғувчи аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш холатларига

оид экспертизалар 50 тани (35,7 %) ташкил қилган. Мазкур ҳолатларда йўл қўйилган нуқсонлар жиҳатлари алоҳида

таҳлил этилди, нуқсонлар моҳияти, сабаблари ва оқибатларига жиддий эътибор кўрсатилди (жадвал 1.).

Жадвалдан кўриниб турибдики, мазкур ҳолатларда йўл қўйилган ТЁН моҳиятлари қуйидагиларни ташкил этган:

асосий касаллик ва касаллик асоратларини аниқлай олмаслик; тиббий муолажаларни ноўрин ўтказиш; операция

утказилишга кўрсатма бўлсада врачлар томонидан бу холат инобатга олинмаслиги; нотўғри туғруқ тактикасини олиб

бориш; хомиладор аёл ахволи тугри бахоланмаганлиги; зарурий текширувлар тўлик стандартлар асосида

ўтказилмаганлиги; хомиладор аёлда приэклампсия аниқланган вақтида стационарга ётказилиб зарурий текширув ва

даволаш муолажалари ўтказилмаслиги; ўз вақтида тор соха мутахассисларидан тиббий кўриклардан ва

чуқурлаштирилган текширувлардан ўтказилмаслиги; туғруқни норационал олиб борилмаганлиги; беморга нисбатан

етарли эътибор берилмаганлиги; қоғонок сувини ифлос бўлишига қарамасдан туғруқни тезлаштирувчи чора тадбирлар

кўлланилмаганлиги; УТТ текширувларини ўз вақтида ўтказилмаганлиги; хомиладорлик даврида унга нисбатан лаборатор

текширувлар тўлиқ ўтказилмаганлиги; туғруқдан кейинги муолажалар ва зарурий ёрдам ўз вақтида стандартлар асосида

олиб борилмаганлиги; операциясидан сўнг, бачадон ичида инфекциялашган қон лахталари тозалаб қириб олиб

ташланмаганлиги; хомиладор аёлни кеч госпитализация қилиниши; муҳим йулдош касалликни аниқламаслик ва бошқ.

ТЁН сабаблари.

а) объектив сабаблар: хомиладор ва туғувчи аёллар қариндошларларининг тавсияларга риоя этмаганлиги

обектив сабаб, ташкилий нуқсон; шифохонага кеч олиб келинганлиги, унда хомиладорлар токсикозини приэклампсия

огир даражаси юзага келиши, обектив сабаб, ташкилий нуқсон;

б) субъектив сабаблар: тўлиқ ва етарлича текширмаслик, тиббий ходимнинг етарли малакага эга бўлмаслиги

тиббий ёрдамни нотўғри ташкиллаштириш субъектив сабаб, ташкилий нуқсон; бемор ахволини тўлиқ бахолай олмаслик

хамда кечикиб тиббий ёрдам кўрсатиш, субъектив сабаб, ташкилий нуқсон; бирламчи даволаш тизимида (КОП)да йул

қўйилган тиббий ёрдам нуқсони, субъектив сабаб, ташкилий нуқсон; зарурий текширувлар ва даволаш муолажалари

амалдаги миллий стандартлар асосида олиб борилмаган, субъектив сабаб, ташкилий нуқсон; врачлар зарурий

текширувларни тўлиқ ўтказмаган, малакали мутахассислар чақиртирилмаган, реанимацион чора тадбирлар кеч амалга

оширилган, субъектив сабаб, ташкилий нуқсон; тиббий ёрдамни кечиктириб амалга оширилиши, субъектив сабаб,

ташкилий ва даволаш нуқсони; хомиладор аёлга нисбатан эътиборсизлик, субъектив сабаб, даволаш нуқсони; тўлиқ ва

етарлича текширмаслик, тиббий ёрдамга кеч мурожаат килиш, объектив ва субектив сабаб, ташкилий ва даволаш

нуқсони.

Жадвал 1. Хомиладор ва туғувчи аёлларга тиббий ёрдам кўрсатишда йул қўйилган тиббий ёрдам нуқсонлар мохияти,

сабаблари ва оқибатлари.

Нуқсонлар мохияти	Нуқсонлар сабаблари	Нуқсонлар оқибатлари
-Асосий касаллик ва касаллик асоратларини аниқлай олмаслик; -тиббий Муолажаларни ноўрин ўтказиш,	Беморнинг Қариндошларларининг тавсияларга риоя қилмаслиги обектив сабаб, ташкилий нуқсон.	Оғир преэклампсия натижасида ривожланган Полиорган етиш- мовчилик, токсик энцефалопатия ва ДВС синдроми натижасида ўлим келиб чиқган.
-операция ўтказилишга курсатма бўлсада врачлар томонидан бу холат инобатга олинмаслиги; - нотўғри туғруқ тактикасини олиб бориш	Тўлиқ ва етарлича текширмаслик, тиббий ходимнинг етарли малакага эга бўлмаслиги тиббий ёрдамни нотўғри ташкиллаштриш субъектив сабаб, ташкилий нуқсон.	Тиббий ёрдам нуксонлари окибатида Бачадон ёрилиши, Хомилани она корнидаги ўлими юзага келган.
-хомиладор аёл ахволи тугри бахоланмаганлиги; -зарурий текширувлар Тулик стандартлар Асосида утказилмаганлиги;	бемор ахволини тулик бахолай олмаслик хамда кечикиб тиббий ёрдам курсатиш, субъектив сабаб, ташкилий нуқсон.	ўткир қон кетиш, постгеморрагик шокни оғир даражаси, постгипоксик энцефалопатия билан асоратлашган полиорган етишмовчилиги натижасида она ва боланинг ўлими.
-хомиладор аёлда приэклампсия аниқланган вактида стационарга ёткизилиб, зарурий текширув ва даволаш муолажалари ўтказил-маслиги.	шифохонага кеч олиб келинганлиги,унда хомиладорлар токсикозини приэклампсия оғир даражаси юзага келиши,обектив сабаб, ташкилий нуқсон.	HELLP-синдром, ДВС синдром ва полиорган етишмовчилик сабабли ўлимнинг келиб чиқишига етарлича таъсир кўрсатган.
-ўз вактида тор Соха мутахассисларидан Тиббий кўриклардан ва чуқурлаштирилган текширувлардан ўтказилмаслиги.	бирламчи даволаш тизимида (КОП)да йул куйилган тиббий ёрдам нуксони,субъектив сабаб, ташкилий нуқсон.	нормал жойлашган хомила йўлдошни вактидан олдин кучиши, геморрагик шок мухитида юзага келган ДВС синдром хамда полиорган етишмовчилик ва она ва бола ўлими

-туғруқни норационал Олиб борилмаганлиги; -беморга нисбатан етарли эътибор берилмаганлиги; -қоғонок сувини ифлос- бўлишига қарамасдан Туғруқни тезлаштирувчи Чора тадбирлар қўлланилмаганлиги, -УТТ текшируви ўтказилмаганлиги;	Зарурий текширувлар Ва даволаш муолажалари Амалдаги миллий стандартлар асосида олиб борилмаган,субъектив сабаб, ташкилий нуқсон.	Мекониал қоғонок суви кетиши хомила боши билан келганида асфиксия ва ўлим.
-хомиладорлик даврда Унга нисбатан лаборатор текширувлар тўлиқ ўтказилмаганлиги;	Врачлар зарурий текширувларни тўлиқ ўтказилмаган, малакали мутахассислар чақиртирилмаган, реанимацион чора тадбирлар кеч амалга оширилган, субъектив сабаб, ташкилий нуқсон.	асфиксия билан туғилган пневмопатия холатидаги чақалоқ туғруқдан сўнг,кечикиб сунъий нафас аппаратига уланиши натижасида ўлимнинг юзага келиши.

ТЁН ОҚИБАТЛАРИ

а) Хомиланинг ўлимига олиб келган холатлар: Тиббий ёрдам нуксонлари оқибатида бачадон ёрилиши,

хомилани она қорнидаги ўлими юзага келган; мекониал қоғоноқ суви кетиши хомила боши билан келганида асфиксия ва

улим; асфиксия билан тугилган пневмопатия холатидаги чақалоқ туғруқдан сўнг, кечикиб сунъий нафас аппаратига уланиши натижасида ўлимнинг юзага келиши; пневмопатиянинг ателектатик шакли, ўткир нафас ва юрак етишмовчилиги

чақалоқнинг ўлимига сабаб бўлган;

б) Онанинг ўлимига олиб келган холатлар: HELLP-синдром, ДВС синдром ва полиорган етишмовчилик сабабли

она ўлимининг келиб чиқишига етарлича таъсир кўрсатган; ўткир буйрак етишмовчилиги, ДВС синдром юзага келиб,

ортга қайтмас жараён-полиорган етишмаслик ривожланиб онанинг ўлимига сабаб бўлган; перитонит, сепсис, сепсисимея

касалликларини ривожланиши ва ушбу касалликлар асоратлари окибатида, онанинг ўлими юзага келган;

в) она ва боланинг ўлимига олиб келган холатлар: ўткир қон кетиш, постгеморрагик шокни оғир даражаси,

постгипоксик энцефалопатия билан асоратлашган полиорган етишмовчилиги натижасида она ва боланинг ўлими; нормал

жойлашган хомила йулдошни вақтидан олдин кўчиши, геморрагик шок мухитида юзага келган ДВС синдром ҳамда

полиорган етишмовчилик она ва бола ўлими келиб чиқишига етарлича таъсир кўрсатган.

Хулосалар. Тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларга боғлиқ бўлган комиссион СТЭлар натижалари бўйича 50

таси (35,7 %) хомиладор ва туғувчи аёлларга доир холатларни ташкил этади. 1. Йўл қўйилган нуқсонлар кўп ҳолларда

мохияти бўйича асосий касаллик ва касаллик асоратларини аниқлай олмаслик; тиббий муолажаларни ноўрин ўтказиш;

нотўғри туғруқ тактикасини олиб бориш; хомиладор аёл ахволини тўғри бахолай олмаслик; зарурий текширувларни

тўлиқ ўтказилмаслиги; ўз вақтида тор соха мутахассислари ва чукурлаштирилган текширувлардан ўтказилмаслиги;

туғруқни норационал олиб борилмаганлиги; беморга нисбатан етарли эътибор берилмаганлиги; туғруқдан кейинги

муолажалар ва зарурий ёрдам ўз вақтида стандартлар асосида олиб борилмаганлиги; хомиладор аёлни кеч

госпитализация қилиниши; муҳим йулдош касалликни аниқламаслик ва бошқ. 2. Бажарилган комиссион СТЭ лар

натижаларига кўра, йўл қўйилган ТЁН лар сабаблари аксарият ҳолларда ташкилий ва даволаш нуқсони билан боғлиқ,

яъни зарурий текширувлар ва даволаш муолажалари амалдаги миллий стандартлар асосида олиб борилмаганлиги,

врачлар зарурий текширувларни тўлик ўтказмаслиги, малакали мутахассислар чақиртирилмаганлиги, реанимацион чора

тадбирларнинг кеч амалга оширилиши, ҳамда субъектив ҳолатлар, яъни акушер-гинеколог шифокорлар фаолияти билан

бевосита боғлиқ бўлиб, кам ҳолларда эса объектив сабаблар – хомиладор аёлларнинг шифохонага кеч мурожаат этиши

ёки тиббий муассасада зарурий шароит йўқлиги, аёлда хомиладорликга кўрсатмалар мавжудлиги ва бошқалар қайд

этилди. 3. Йўл қўйилган нуқсонлар оқибати оналар ўлими 34 (68%) ни болалар (хомила) ўлими 11 (22%) ни оналар ва

хомила ўлимига 5 (10%) сабаб бўлганлиги аниқланди. Тиббий ходимнинг бевосита касбий ва лавозимли фаолияти билан

боғлиқ нотўғри ёки нотўлиқ ҳаракати (ҳаракатсизлиги), жумладан беморга нисбатан лоқайд муносабатда бўлиш,

малакасизлик, тажрибасининг етишмовчилиги каби ҳолатлар билан боғлиқ бўлган. ТЁН сабаблари, моҳияти,

оқибатларини ҳамда ТЁН билан нохуш салбий оқибат боғлиқлик мавжудлиги таҳлил этиш тиббий ёрдам кўрсатиш

сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятли ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Пашинян А.Г., Беляева Е.В., Ромодановский П.О. Об оценке качества медицинской помощи при причинении вреда

здоровью в случаях неблагоприятных исходов// Судебно-медицинская экспертиза. Москва, 2000, №2, с.14-18.

2. Гиясов З.А. Судебно-медицинские аспекты ненадлежащего оказания медицинской помощи. Монография. Ташкент,

2019, 167 с.

3. Томилин В.В., Соседко Ю.И. Обоснование основных понятий дефектов оказания медицинской помощи //Судебно-

медицинская экспертиза. М., 2000, №6, с.4-7.